

# Ҳамюртимиз халқаро Қуръон мусобақасига жўнаб кетди



17:07 / 14.10.2025 1099

2025 йил октябр ойида Қозоғистон давлатида 2-халқаро Қуръон мусобақаси бўлиб ўтади.

Мазкур мусобақада иштирок этиш учун «Кўкалдош» ўрта махсус ислом билим юрти талабаси Муҳаммадамин қори Аҳмадхўжа Қозоғистон Республикасига жўнаб кетди.

Муҳаммадамин қори ушбу халқаро мусобақа олдидан юртимиз уламоларининг тавсия ва кўрсатмаларни тинглаб, уларнинг дуои хайрларини олди.

Аллоҳ таоло юртимиз шаънини ҳимоя қилаётган Муҳаммадамин қорига улкан зафарлар ва муваффақиятлар ато қилсин!